

10-10-2019

THE ISSUE OF PROTECTING YOUTH FROM THE DANGER OF VIRTUAL INFORMATION

Avazbek Ilxomovich Tulyayev
National university of Uzbekistan, senior teacher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Tulyayev, Avazbek Ilxomovich (2019) "THE ISSUE OF PROTECTING YOUTH FROM THE DANGER OF VIRTUAL INFORMATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 9 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss9/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ISSUE OF PROTECTING YOUTH FROM THE DANGER OF VIRTUAL INFORMATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЁШЛАРНИ ВИРТУАЛ АХБОРОТ ТАҲДИДИДАН ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАСИ

Туляев Авазбек Илхомович

Ўзбекистон Миллий университети, катта ўқитувчи

Аннотация: Мақолада ахборот, хусусан, виртуал ахборот, электрон ахборот воситаларининг моҳияти ўрганилган. Электрон ахборот воситаларининг аҳамияти ва ёшлар онгига таъсири тизимли таҳлил қилинган. Ёшларни виртуал ахборот таҳдидидан ҳимоялаш зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: виртуаллик, ахборот, интернет, виртуал ахборот, электрон ахборот воситалари, ахборот майдони, таҳдид, ёшлар, ёшлар онги, глобал, глобализация, мафкуравий иммунитет

ВОПРОС ЗАЩИТЫ МОЛОДЁЖИ ОТ ВИРТУАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ УГРОЗЫ

Туляев Авазбек Илхомович

Национальный университет Узбекистана, старший преподаватель

Аннотация: В статье рассмотрено сущность информации, в частности, виртуальной информации и электронных СМИ. Проанализирована значимость электронных СМИ и их воздействие на сознание молодёжи. Обосновано необходимость защиты молодёжи от виртуальной информационной угрозы

Ключевые слова: виртуальность, информация, интернет, виртуальная информация, электронные СМИ, информационное поле, угроза, молодёжь, сознание молодёжи, глобальный, глобализация, идеологический иммунитет

THE ISSUE OF PROTECTING YOUTH FROM THE DANGER OF VIRTUAL INFORMATION

Tulyayev Avazbek Ilhomovich

National university of Uzbekistan, senior teacher

Abstract: The article explores the essence of information, in particular, virtual information, electronic media. There is a systematic analysis of the importance of electronic media and its impact on the minds of young people. The article is based on the need to protect youth from the danger of virtual information.

Keywords: virtuality, information, internet, virtual information, electronic media, information space, threat, youth, youth consciousness, global, globalization, ideological immunity

Маълумки, ҳар бир фуқаро шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий-биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу

таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади, натижада, ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Ҳозирги замонавий глобализация жараёнларида ахборот жамиятнинг стратегик ресурсига айланмоқда. Инсон тафаккуридаги плюралистик фикрларни ўзида тўлақонли ифодаловчи ягона тармоқ бўлган интернетда кишиларнинг олдинга интилиши, илгарилаш, дунёвий хабардорлигини кенгайтирувчи фаолият бўлиши билан бирга, бир томондан, ахборотлашувнинг имманент ҳолда ривожланиши ва иккинчи томондан, жамиятни модернизациялаштириш оқибатлари ҳали нима билан тугаши номаълум бўлгани боис, баъзи бир нохуш натижаларни келтириб чиқариш ҳавфи аён бўлмоқда. Бундай ҳолларда, илмий билиш жараёни, катта ахборот уюмидан муҳим ахборотни танлаб олиш, уни англаб етиш, самарали фаолият олиб бориш мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш, берилган маълумотлардан фойдали умумлаштиришлар қилиш, ўрганилган билимлар мажмуини тартибга келтириш имконини беради.

Инсон учун ахборот –энг таъсирчан воситадир, чунки унинг онги бор. Мантиқий исбот, қолаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўйолмайди. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилмасдан яшолмайди. Ҳар бир одам маълумотни кўради, эшитади, ўқийди ва энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю-кундуз унга етиб борадиган ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир руҳий таъсир қилмоқчи бўлганларга ўша одамнинг психологияси кўмаклашади, агар ушбу инсон ахборотни ўйламасдан қабул қилаверса [1]. Юқорида айтганимиздек, шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг хал этувчи мезони – бу инсоннинг онги борлиғидир. Мазкур ондан фойдаланиб, мантиқий исбот ёрдамида одамга хоҳлаган, энг номаъқул ғояни ҳам «тўғрилигини» исботлаш мумкин, бу қийин эмас. Бунинг учун далилларни усталик танлаб, исбот жараёнини яхши тузиш кифоя. Демак, ахборот-психологик ҳавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаси–бу инсоннинг ўзидир. Таҳдидлар аслида турлича бўлиши мумкин; шахс, жамият ва давлатга, ички ва ташқи, катта ва кичик, узоқ ва яқин, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, экологик, миллий ва б. [2]. Таъсир кўрсатиш йўллари таъсир этувчи томонидан объектка мос равишда танланади, барча объектлар учун бир хил усул тўғри келмайди. Давлатга таъсир бир йўл билан амалга оширилса, шахсга таъсир этиш учун бошқача усул танланади. Зарарнинг кўлами ва миқдори ҳам турлича бўлиши мумкин, жуда катта даражадан унча аҳамиятли бўлмаган ҳажмгача. Бу эса, ўз навбатида, таъсир этувчининг мақсади, моддий, илмий, психологик ва техник имкониятларига боғлиқ. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса, бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборот-психологик ҳавфсизликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар эга булиши шарт: давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошқалар.

Айтиш мумкинки, ҳозирги глобал дунёда ягона ахборот макони шаклланди. Шу макондан муносиб ўрин эгаллаш учун бўладиган кураш Ўзбекистонни ҳам четда қолдирмайди. Чунки замонавий дунёда электрон ахборот воситалари

геосиёсатчилар касбига қиёсланмоқда. Қанчадан-қанча маблағ ахборотни қайта ишлаш, ахборотларни белгиланган маконга етказиш, етказганда ҳам биринчи бўлишга қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, одамларда, ахборотни энг аввал бера олган, доимо ҳақ бўлади деган қараш мавжуд бўлади.

XXI аср бошида ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви, ахборот оқимининг кучайиши–нуфузли манбаларнинг янгича маъно касб этиб, турли кўринишларда намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Постиндустриал инқилоб, информатизация, глобализация жараёнлари фойда кетидан қувадиган, асосан моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий ҳамда синфий қиёфасини йўқотган, ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр турган шахсларни яратди. Бундай салбий ҳолатлар ватанимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бунинг учун курашиш, зарур бўлса барча имкониятларни ишга солиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида ёзадиларки, “Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобалашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин” [3]. Бундан шу нарса англаниладики, ҳозирда ҳар қандай ахборот чегара билмаслик хусусиятига эга, шундай экан, эндигина онги, дунёқарашни шаклланаётган ёш авлодни маънавий олами дахлсизлигини асраш, муаммо бўлиб кўпчиликни ўйлантираётир.

Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қуйилаётганлиги, айти шу ахборот хуружларига қарши етарли иммунитетга эга бўлган, соғлом фикрли инсонларни майдонга чиқариш, замонавий ўзбек жамиятининг асосий функцияси эканлиги олимларимиз томонидан асослаб бермоқда. Ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун таълим-тарбия жараёнида нималарга асосланиш ва нимага эътибор қилиш керак, деган савол файласуфлар, гуманитар фан вакиллариининг диққат марказидадир. Ёшларнинг фикр тарбиясига эътиборни қаратиш улар ахлоқий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда ҳаётимизни электрон ахборот воситаларисиз тасаввур қилишимиз қийин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам “Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин” [4] – деб, бу ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтган. Ёшларимиз дунё ҳақида, асосан электрон ахборот воситалари орқали маълумотга эга бўлишади. Интернет ҳам асосий ахборот базаси сифатида фаолият кўрсатади. Иккинчи тарафдан, матбуот, газета ва журналларда бериладиган маълумотларнинг ҳам саёзлиги ёшларнинг фикрлаш доирасига салбий таъсир қилади.

Ахборотларнинг янги тизими таълим соҳасига ҳам кириб келди ва бир қатор имкониятларни вужудга келтирди. Жумладан, электрон почта, интернет, электрон китоб, мультимедия, масофали таълим, видеоконференция ва ҳоказо. “Айни вақтда Ўзбекистон ёшларининг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик

муносабатлари ўрнатиш ғоят муҳим, аҳамиятга эга” [5]–деб, таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Булар яхши, аммо, мафкуравий иммунитет муаммоси пайдо бўлди.

Ҳозирда, ўзида матбуот, радио ва телевидение хусусиятлари ҳамда имкониятларини мужассамлаштирган, ахборот етказиб бериш даражаси бўйича тезкорлик ва кўламдорликда мукамал бўлган интернет, оммалашиб улгурди. Жамиятимизнинг баъзи ёшлари билим олишда, ҳаётга бўлган муносабатларини белгилашда фақат ота-она, устоз-мураббийлар, ўқув даргоҳларидагина эмас, балки ОАВ, Интернет орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олиб, уларни ҳақиқат деб қабул қилишлари ва ишонилари ташвишланарли хол. Улар билим олишлари учун фойдали, зарур маълумотларни қабул қилиш билан бир қаторда маънавий қадриятларимизга қарши йўналтирилган ахборотларга ҳам дуч келмоқдалар. Интернетнинг айрим маълумотлари эндигина маънавий олами шаклланаётган, шахсий тажрибаси ҳақиқатни ёлғон, уйдирмадан фарқлашга етарли бўлмаган ёшлардаги ҳаётий тушунчаларнинг шаклланишига таъсири таълим-тарбия муассасаларининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Виртуал ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охири оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустақкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборий барқарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар эга бўлиши шарт. Виртуал ахборот таҳдидининг ушбу уч тармоғи бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Зеро, давлат, шахс ва жамиятнинг ахборот манфаатларига эътиборсиз бўла олмаганидек, шахс ва жамият ўз хавфсизлигини таъминлаш йўлида қайғурар экан, айтиш чоғда давлат манфаатларини ҳам ҳимоясига олган ҳисобланади. Албатта, ҳозирги кунда шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ тус олмоқда. Масалан, “2005 йилнинг май ойида Андижон шахрида юз берган фожеали воқеалар масаласига ниҳоятда жиддий ёндашиш зарурлигини яна бир карра кун тартибига қўйди. Ўша қонли тажовузнинг ташкил этилиши, юз бериши, яқун топиши ҳамда ундан кейинги жараёнлар таҳлил қилинар экан, ахборот, ахборот таҳдиди, ахборот хуружи воқеаларнинг ўқ томири бўлиб ўтганини кўриш қийин эмас” [6].

Ахборий таҳдидларнинг энг хавфлиси–давлат сиёсатини таъминлашга халақит бераётганларидир. Агар салбий таъсир тор доирадаги одамларни қамраб олса, давлат ва жамиятга таҳдид бутун бир мамлакат, халқ тинчлигини хавф остига қўяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммодир, шунинг учун ахборий таҳдидларни турли талқинларга қараб таҳдид қилиш талаб этилади. Виртуал ахборот таҳдиднинг шахс, оила, ташкилот, маҳалла ва жамиятга таъсири дастлаб унчалик кўзга ташланмаслиги мумкин. Чунки ижобий ва салбий мазмундаги ахборотларни ҳамма ҳам тезда фарқлай олмайди. Салбий мазмундаги ёт ғояларни ўзида мужассамлаштирган

ахборотлар муайян кишилар онгига сингиб қолгандан сўнг эса, уларни бартараф этиш осон кечмайди. Шунинг учун ҳар қандай виртуал ахборот таҳдидига қарши курашда мавжуд имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланмоқ зарур.

Виртуал ахборот таҳдидларга қарши курашнинг яхши йўлларида бири-мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлаши. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари янада хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўсиқлик қилолмайди. Аслида ички худудни ахборот билан етарли даражада таъминлаш унча ҳам қийин эмас, чунки бугунги кунда ахборот технологиялари жуда кенг ишлатилмоқда ва ахборот тарқатадиган субъектлар мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан хоҳлаган маълумотларни олиб мамлакат ичида тарқатиши мумкин. Фақат ушбу ишда лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарур. Шу сабабга кўра, Республикамиз худудида, аввало, ахборот телекоммуникация воситаларининг техникавий базасини янада такомиллаштириш лозим. Бундан ташқари, ўзбек тилида иш юрутувчи ахборот телекоммуникация воситалари, хусусан, интернет сайтларини кўпайтириш лозим. Шундагина, ўз ахборий чанқоқлигини қондирмоқчи бўлган ёшларимиз, турли ахборий хуружлардан ҳимояланш имконига эга бўладилар.

Ёшларнинг виртуал ахборот таҳдидига қарши ўзига хос муносабатини шакллантириш, фикр тарбиясининг бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар илм ва тарбия бериш жараёнида ёшларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтиришлари, фикрларни солиштиришга, уларни турларга ажратишга ўргатишлари лозим. Бу масаланинг бир томони. Бошқа томони эса, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини, китобхонлик савиясини ошириш зарур. Бу борада ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Айни вақтда, ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.... Шунини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириш зарур” [7] – деб, фикр билдиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ёшлари учун Интернетда маърифий кўнгилочар веб-саҳифаларни кўпайтириш ва уларни ҳар доим мутахассис педагоглар янгилаб, тўлдириб бориши, қолаверса, ёшларни интернет маданиятига, имкони бўлса, уларга мазкур тармоқдан фойдаланишнинг усуллари ва қандай фойдали маълумотлар олиш мумкинлигига йўл-йўриқ кўрсатадиган виртуал жамоатчилик Кенгашини ташкил этиш мақсадга мувофиқ иш бўлади. Умумий хулоса қиладиган бўлсак, мафкуравий кучларнинг таъсири доимий равишда сезилиб турган даврда яшаётган эканмиз, аввалло ёшларимиз онгида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш шарт. Ахборот урушида одамларни фикрини бошқаришни эмас, балки уларда миллийликни уйғотиш кераклигига эътибор қаратиш ва ёшларда мустақил дунёқарашни шакллантириш – энг муҳим вазифа. Бунга эришиш учун ёшларимизни эркин ва мустақил фикр юритадиган, иймон – эътиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, билимли, доно бўлиши, ўз

юртини тарихи, миллий қадриятлари ҳамда буюк аждодлари қолдирган илмий ва маънавий меъросни қалбига жо этмоғимиз зарур. Ахборот майдонида нафақат омон қолишни, балки енгиб чиқишни асосий шарти, эркин фикрлайдиган, ижтимоий масъуликни тўғри тушунадиган шахсни тарбиялаш, унинг учун фаровон турмуш шароитларини яратишдир.

References:

1. Manoylo A.V., Petrenko A.I., Frolov D.B., Gosudarstvennaya informatsionnaya politika v usloviyax informatsionno-psixologicheskoy voyni. 2-izd.-M.: Goryachaya liniya-Telekom, 2006 y.-203 b.
2. Paxrutdinov SH. Tarakkietga tahdid: nazariya va amaliyot.-Toshkent: Akademiya, 2006 y.-73 b.
3. Karimov I. A. YUksak ma'naviyat – engilmas kuch. -T.: “Ma'naviyat”, 2008 y.- 115-b.
4. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild.-T.: “O'zbekiston”, 2018 y.-529-b.
5. Mirziyoev SH.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. 2-jild.-T.: “O'zbekiston”, 2018 y.-497-b.
6. Do'stmuxamedov X. Axborot tahdidi: serqirra muammo. // Huquq va burch jurnali. №1, 2008 y.-27-28 betlar.
7. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild.-T.:“O'zbekiston”, 2018 y.-86, 529-betlar.